

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 802.0 – 5

ФАЙЗИЕВА НОДИРА АБДУЛЛАЕВНА

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ ЖАРАЁНИДА
ГРАММАТИК НОРМАТИВЛАР**

10.02.19 – Тил назарияси

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим
этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Иш Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Тил назарияси кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари номзоди, доцент
Содиқов Абдуазим Содиқович

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
Абдуазизов Абдузхур Абдумаджидович

филология фанлари номзоди, доцент
**Ибрагимхўжаев Исмоилхўжа
Ибрагимхўжаевич**

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети

Ҳимоя Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «__» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй).

Автореферат 2011 йил «__» _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
филология фанлари номзоди, доцент

Д.М. Тешабоева

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ахборот технологиялари ривожланиши жараёнида грамматик нормативлар илми эволюцияси бугунги кунгача етарли даражада илмий ишлаб чиқилмаган. Грамматик нормативлар ёзув ва нутқ нормалари билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, нутқ маданиятининг ажралмас бир тармоғидир. Улар биргаликда ёзув пайдо бўлган даврдан бошлаб, тилни жамиятда қўллаш амалиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, тилнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш ва назорат қилиб бориш, ташқи тиллар таъсиридан асраш, ёзувнинг жамият учун фаол хизмат қилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган лингвистик назариянинг таркибий қисми ҳисобланади¹. Норма эса, грамматик нормативларнинг тил қўллаш амалиётида ишлатилишининг махсули, натижасидир.

Ушбу мавзунинг долзарблиги ҳозирги даврда ахборот(компьютер) технологияларининг интенсив ривожланиши, замонавий тил қўллаш амалиётидаги аҳамиятининг ошиб бориши, янги авлод грамматик нормативларининг ишлаб чиқилишида компьютер технологиялари яратган имкониятларнинг филологик жиҳатларини ўрганиш зарурлиги билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Ҳозирги вақтда дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштирмасак, фақат тарихимиз, олис аجدодларимизнинг кашфиётлари билан мақтаниб, уларга махлиё бўлиб яшайдиган бўлсак, ана шу ноёб меросни асраб-авайлаб, янада бойитиб, унга ўз ҳиссамизни қўшмасак, замон билан ҳамқадам бўлиб юрмасак, бизнинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз қийин бўлади”².

Бугунги кунда ҳаётнинг бирор–бир соҳасини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу жумладан, ахборот технологиялари таълим-тарбия жараёнининг ҳам ажралмас бир қисмига айланиб бормокда³.

Шу билан бирга, мазкур масалага тарихий ёндашиш ушбу соҳага оид бўлажак изланишларни режалаштириш учун ҳам зарурдир. Аёнки, тил, нутқ нормаларининг жамият ҳаётидаги ўрни бекиёс. Европа тилшунослиги мисолида оладиган бўлсак, уларга эришиш бир неча асрларни талаб этди. Нормани яратиш, шаклланишини таъминлаш, уни асраш, турли ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳар бир жамият, давлатнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади⁴. Инсоният тарихида шу мақсадда турли ёзувлар, бошқа турдаги илмий ва маърифий асарлар яратилган. Қадимда бу турдаги

¹ Қаранг: Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. – Москва: “Наука”, 1975. – С. 119–120, 559 с.

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 95.

³ Назаров Қ. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 2009. – 760 б. – Б. 46.

⁴ Қаранг: Бегматов Э., Маматов А.Э. Адабий норма назарияси (Адабий норманинг шаклланиши ва яшаш қонуниятлари) – Тошкент: 2000. – 136 б.

асарларни грамматика ва луғат деб атаганлар. Кенг маънода эса, бу йўналишдаги фаолият “грамматика санъати” деб юритиларди.

Диссертацияда грамматика санъатини ташкил этувчи воситалар мажмуи грамматик нормативлар деб юритилади. Бунга турли кўринишдаги луғатлар, грамматикалар (академик, тасвирий грамматикалар, тилга ўргатувчи турли воситалар – дарслик, қўлланмалар ва ҳ.к.) киради¹.

Ахборот технологияларининг оламшумул кашфиёти ёзув мулоқотнинг масофа ва вақтда чекланганлик муаммоларини ҳал қилиш билан бирга, маълумотларни сақлаш ва етказиб беришнинг универсал воситаси вазифасини ҳам аъло даражада бажарди². Мазкур вазифаларни тўлиқ бажариш грамматика санъатисиз амалга ошмаган бўлар эди. Буюк олим Ю.В. Рождественский турли ахборотларнинг шакли ва мазмуни, уларнинг луғат таркибини ўрганиш соҳасини “Лингвистик информатика”³ деб атаган эди. Компьютер технологияларини ахборот технологиялари соҳасидаги ёзув кашфиёти қаторида кўрадиган бўлсак, мавзу долзарблиги янада ортади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда таҳлил қилинаётган мавзу ҳали етарлича ўрганилмаган. Ушбу муаммо Ю.В. Рождественский (1990, 1979, 1975), Б.А. Ольховиков (2007, 1985, 1975), Н.Ю. Бокадорова (1987) ва бошқа олимларнинг тилшунослик тарихи йўналишидаги ишларида (Michael I. “English Grammatical Categories and the Tradition to 1800”; Vorlat E. “Progress in English Grammar, 1586–1735. A Study of the Development of English Grammar and of the Interdependence among Early English Grammarians”; Vorlat E. “The Development of English Grammatical Theory 1586–1737. With Special Reference to the Theory of Parts of Speech”) қисман қайд этилади. Кейинги йилларда В.В. Угольников (2003, 2002), О.И. Руденко-Моргун (2006, 2004, 2002, 1999), А.Қ. Пўлатов (2011) ва бошқа олимларнинг илмий–тадқиқот ишларида ушбу мавзу тилга олинганлигини кузатиш мумкин.

Инглиз тилшунослиги тарихига оид илмий изланишларда грамматик нормативлар тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Бу турдаги ишларни икки турга бўлиш мумкин. Биринчи тур изланишларда грамматик нормативлар ҳозирги замон грамматика фани талабларига қай даражада жавоб бериши нуқтаи назаридан ўрганилган. Бошқача айтганда, бу турдаги илмий изланишларда инглиз тили грамматикаси (субстанционал жараён) тўлиқ грамматик нормативларда ўз аксини қандай топиши грамматикага оид фаннинг босқичма-босқич ривожланиши нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Иккинчи турдаги тарихий изланишларда эса грамматик нормативларнинг тил қўллаш амалиёти талабларига жавоб бериш даражаси (грамматик нормативларнинг функционал жараёни) таҳлил қилинган. Ушбу илмий

¹ Қаранг: Ольховиков Б.А. Общая теория языка. Античность – XX век. Москва: “Академия”, 2007. – 304 с. - С. 30–36

² Қаранг: История возникновения письменности
http://www.senav.net/2008/07/03/istorija_vozniknovenija_pismennosti.html

³ Қаранг: Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию: учеб. пособие для филол. спец. ун-тов. — Москва: “Высшая школа”, 1990. — 381 с.

изланишларда асосан XIX асргача яратилган грамматикалар таҳлил қилинган. Ундан кейин нашр этилган грамматик нормативлар ва, хусусан, ҳозирги замон грамматик нормативлари бу турдаги изланишларда етарли даражада ўз ифодасини топмаган. Айниқса, инглиз тилини хорижий тил сифатида ўргатиш мақсадида яратилган грамматик нормативлар олимлар назаридан четда қолган десак ҳам бўлади. Замонавий технологияларнинг грамматик нормативларга яратган имкониятлари нуқтаи назаридан бу муаммо умуман таҳлил этилмаган.

Ахборот технологиялари деганда, ахборот етказишнинг турли воситалари – ёзув, қоғознинг ихтиро этилиши, босма ёзув, радио, овоз ёзиш техник қурилмалари, компьютерлар назарда тутилади¹. Ахборот технологиялари соҳасидаги замонавий кашфиётлар ҳозирги куннинг турли соҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, грамматик нормативларнинг ифода принциплари учун ахборот технологияларининг аҳамияти ва таъсири ортиб бормоқда (электрон луғатларнинг пайдо бўлиши, турли тилларни ўзлаштиришга оид мультимедиа электрон қўлланмаларнинг яратилиши, электрон таржимонлар ва ҳ.к.). Қадимда ҳам бу масаланинг алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини биз ўша даврдаги ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар ва уларнинг нутқ нормативларига кўрсатган таъсирида кўришимиз мумкин (ёзув, қоғоз, босма ёзувга ўхшаш ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар. Шунинг учун ҳам ушбу тадқиқотда ахборот технологияларининг ривожланиши жараёнида нутқ нормативларининг, хусусан, инглиз тили грамматик нормативининг ифодаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Тил назарияси кафедраси илмий-тадқиқот режасига киритилган. Ушбу мавзу 2010 йилнинг 27 январида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Мувофиқлаштирувчи кенгашида тасдиқланган ва у мазкур кенгашнинг илмий –тадқиқот ишлари тематик режасига мосдир.

Тадқиқотнинг объекти: ахборот технологияларининг ривожланиш жараёнида инглиз тилидаги грамматик нормативларнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш принциплари.

Тадқиқотнинг предмети: Инглиз тили грамматик нормативларининг полиграфик ва электрон воситаларида ифодаланиш принциплари.

Тадқиқотнинг мақсади: ахборот технологиялари ривожланиши жараёнида грамматик нормативлардаги ўзгаришлар ва юқори технологияларнинг грамматик нормативларга таъсирини аниқлаш, анъанавий нормативларга қиёслаш орқали имкониятларини кўрсатиб бериш.

¹ Қаранг: Маслова В.А. Современные направления в лингвистике. –Москва: “Академия”, 2008. – 272 с.; <http://chudesaby.ru/pism.html> Изобретение письменности; http://www.senav.net/2008/07/03/istorija_vozniknovenija_pismennosti.html История возникновения письменности; <http://ru.wikipedia.org/wiki/Папирус> Папирус; <http://www.bagetmaster.ru/info/237.html> История папируса; <http://ru.wikipedia.org/wiki/Бумага> Изобретение бумаги.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётларнинг тилнинг ифода воситаларига (қўлёзма, босма ёзуви, бошқа воситаларга) таъсири, уларнинг эволюцион шаклланиши ва жамиятнинг турли ривожланиш босқичларида грамматик нормативлар учун аҳамиятини таҳлил этиш;

- ахборот технологияларининг ривожланиши, тил қўллаш амалиёти талабининг ортиб бориши нуктаи назаридан грамматик нормативларнинг андазасини ташкил этувчи қисмлар табиатини қиёсий таҳлил қилиш;

- ахборот технологияларининг ривожланиши ва бунинг натижасида грамматик нормативларга бўлган тил қўллаш амалиёти талабининг ортиб бориши нуктаи назаридан грамматик нормативлар андазасини ташкил этувчи қисмлардаги ўзгариб бориш қонуниятларини аниқлаш;

- ҳозирги замон ахборот технологияларининг грамматик системасини грамматикага оид норматив қўлланмаларда тўлиқроқ ифода этиш ва самарали таҳсил бериш учун яратадиган имкониятларини таҳлил қилиш;

- компьютер мониторида акс этган грамматик нормативларнинг таркибий қисмлари, табиати ва имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқот методлари. Илмий изланишлар жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди:

- баён қилиш методи (ўрганилаётган мавзуга доир илмий адабиётларни диссертация мақсадини кўзлаган ҳолда ёритиш);

- қиёслаш методи (бир-бирига мутаносиб бўлган объектларни чоғиштириш орқали назарий аҳамиятга молик хулосалар чиқариш);

- эксперт-аналитик метод (ахборот технологиялари тараққиёти жараёнида яратилган норматив қўлланмалар);

- ўқув жараёнини кузатув методи (электрон дарсликлар мисолида).

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқотнинг методологик асосини қонуний ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг илм ва таълимни ривожлантириш ҳақидаги буйруқлари, умумий ва татбиқий тилшунослик ҳамда тилшунослик тарихи фанлари бўйича олиб борилган фундаментал ишлар (В. фон Хумбольдт, Ф. де Соссюр, Э. Сэпир, Бодуэн де Куртене, П. Шчерба, Г.В. Колшанский, Ю.В. Рождественский, Б.А. Ольховиков, Д.У. Ашурова, Ў.Қ. Юсупов, А.А. Абдуазизов, А.Э. Маматов, А.Қ. Пўлатов, Ҳ.Б. Бектоев, Ҳ. Орзиқулов, Р.Г. Пиотровский, Р. Расулов, Н.Ю. Бокадорова, О.А. Сичёв, В.С. Страхова).

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар. Юқори технологиялар пайдо бўлиши билан ахборотни ифода этишнинг янги воситаси аввал кашф қилинган ахборот ифода этиш воситаларидан имкониятлари нуктаи назаридан тубдан фарқ қилади. Масалан, аввал графика(ёзув), расм ва бошқа кўринишдаги ахборот – қоғозда; аудио ахборот - оғзаки нутқ, аудиотасма, радио, телевизорда; видеофильм кўринишдаги ахборот – видеотасма, телевизорда намоиш этиларди. Компьютер технологиялари кашф қилиниши муносабати билан юқорида айtilган ахборот етказиш воситалари бир ахборот намоиш этиш предмети доирасида(компьютер мониторида) ифодаланиш имкониятига эгадир. Бу эса, ўз навбатида,

электрон ўқув материаллари мисолида, талаба ва ўқувчиларнинг интенсивлаштирилган, юқори даражадаги интерактивлик кўрсаткичларига эга ахборот етказиш воситалари комбинацияларидан ташкил топган вазифалар билан бойитилган мустақил иш фаолиятини қайта ташкил этишда катта имкониятлар яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар(юқори технологиялар ёрдамида адресатга етказиш мақсадида яратилган интерактив электрон асардаги ахборотнинг хусусиятлари) қуйидагилардан иборат:

1. Компьютер мониторида намоиш этиладиган ахборот ёзувдаги матн билан расм, графика, аудиоматн, видеофильм комбинацияларида намоиш қилиниши мумкин. Компьютер мониторида яратиладиган ахборот ёзувни ўз ичига олса-да, уни ифода этиш принциплари ёзувда ифодаланаётган ахборот принципларидан фарқ қилади. Аммо компьютер дастури белгилари ёзув белгиларидек (ҳарфлардек) шартли характерга эга — уларнинг ўзгариши дастур муаллифига боғлиқ.

2. Компьютер мониторида намоиш этиладиган ахборотнинг таркиби бир-бирини тақозо қиладиган икки қисмдан иборат: адресатга мўлжалланган матн ва компьютер дастурининг ишлашини таъминлайдиган алгоритмлар мажмуаси матни.

3. Компьютер мониторида намоиш этиладиган матн парадигматик табиатга эга, ҳажми чекланмаган, саҳифалар (босма табомлар) сони билан ўлчанмайди, бу матнда қанчалик изоҳ кўп бўлса, у шу даражада тушунарли бўлиб кўп адресатларни қамраб олиш имкониятига эга, ахборот излаш имкониятлари полиграфик воситада ифода этилган ахборотга нисбатан чекланмаган.

4. Интерактив электрон дарсликдаги қоидалар матни полиграфик дарсликдагидан фарқли ўлароқ яқка ҳолда олинган вазифага бириктирилган бўлиб, ҳар бир вазият талабига жавоб берадиган имкониятларга эга.

5. Компьютер мониторида ифодаланган ахборот универсал, ҳар хил билим даражасига эга бўлган адресатларга мўлжалланган бўлиш имкониятига эга.

6. Юқори технологиялар ёрдамида намоиш этиладиган ахборотнинг интерактивлик даражаси оғзаки нутқда ифодаланган ахборотнинг интерактивлик имкониятларига максимал даражада яқинлашади.

Ишнинг илмий янгилиги. Тилни жамиятда қўллаш амалиёти (татбиқий тилшунослик, applied linguistics) эҳтиёжларининг тўлиқроқ қондирилишида ахборот технологияларининг (хусусан, компьютер технологиялари ривожланишининг) таъсири ҳақидаги масала ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Масаланинг бу тарзда қўйилиши ахборот технологиялари соҳасидаги энг янги кашфиётлар билан бевосита боғлиқдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1. Бу кашфиётлар замонавий тилшунослик, хусусан, матншунослик, тил методикаси соҳасидаги янгиликларни лингвистик нуқтаи назардан таҳлил этиш имконини беради.

2. Тилшунослик тарихини ўрганиш, ушбу диссертация мақсадида кўрсатилганидек, янги нуқтаи назар, яъни ахборот технологияларининг тобора ривожланиб боришини инобатга олган ҳолда амалга оширилди.

3. Диссертацияда, тадқиқотнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, бадиий, илмий, эпистоляр жанрдаги матнларлардан фаркли ўлароқ, “дидактик матн” тушунчаси тилга олинган. Дидактик матн бошқа турдаги матнлардан ўзининг мақсади, таркибий қисмлари, табиати билан фарк қилади.

4. Диссертация мавзусини ахборот технологиялари соҳасидаги энг янги кашфиётлар нуқтаи назаридан ўрганиш тил ўқитиш методикаси, умумий ва татбиқий тилшунослик(applied linguistics, прикладное языкознание), тилшунослик тарихи, матн тилшунослиги соҳалари эришган ютуқларни янгича таҳлил этишшга олиб келади.

5. Электрон грамматик нормативларнинг ташкилий қисмлари табиатини очиб бериш, уларни анъанавий грамматик нормативлар билан таққослаш орқали имкониятларни аниқлаш тадқиқотнинг илмий янгилigidир.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти грамматикага оид замонавий асарларда грамматик санъат муаммоларининг ҳали ҳам тўлиқ ечимини топмаганлиги ва уларни таҳлил этиш зарурияти мавжудлиги билан белгиланади. Айниқса, юқори технологияларнинг бевосита таъсири остида ҳозир яратилаётган ва таҳсил жараёнида қўлланилаётган интерактив электрон дидактик матнларнинг тузилиши, уларнинг тилни жамиятда ишлатиш амалиёти таҳсил жараёнидаги ўрни ва ролини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти кенг маънода – филология фани, татбиқий тилшунослик ва методика нуқтаи назаридан тилнинг ўз муҳим функцияларини бажаришда замонавий ахборот технологияларининг роли ва ёзма нутққа нисбатан ўрни имкониятларини аниқлаш билан ўлчанади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти – хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий методикаси ва тилни жамиятда қўллаш амалиётига (ёки татбиқий тилшуносликка, applied linguistics) интерактив электрон нормативларнинг кириб келиши билан белгиланади. Тадқиқот натижалари интерактив электрон дарсликларни яратишда, татбиқий тилшунослик, тилшунослик тарихи, матн тилшунослиги ва умумий тилшунослик фанларидан маъруза ўқишда ишлатилиши мумкин.

Ишнинг апробацияси. Диссертация натижалари юзасидан олиб борилган ишлар Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг бир неча илмий-амалий анжуманларида маъруза ҳолида муҳокама қилинган. Улар Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлиб ўтган “Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш” (Тошкент, 2005), “Янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва бу жараёндаги муаммолар” (Тошкент, 2007), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган “Ёш олим-2008” (Тошкент, 2008) ва “Лингвистика ва ахборот технологиялари” (Тошкент, 2010) анжуманларидир.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги К 067. 44. 02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил 19 октябрдаги йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни 11 нашрда ифода топган, улар – илмий журналларда(2), халқаро миқёсда(1), илмий тўпламларда(5), ўқув қўлланма(2), сўзлашгич(1).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш қисми, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Умумий ҳажми 143 бет ва илова 41 бет.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, илмий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги тўғрисида сўз юритилади ҳамда диссертация ҳақида умумий маълумотлар берилади.

I боб “Анъанавий грамматик нормативлар – ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар нигоҳида” деб номланиб, у уч қисмдан иборат.

I.1. Тилнинг эволюцияси жараёнида ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар нуқтаи назаридан инсоният ва цивилизациянинг ривожланиш босқичлари.

Инсоният тил эволюцияси жараёнида қуйидаги босқичларни ўз бошидан кечирган:

1. Ёзув пайдо бўлишидан аввалги босқич.
2. Ёзув пайдо бўлгандан кейинги босқич:¹
 - а) қўлёзма давридаги босқич;
 - б) босма ёзув давридаги босқич.
3. Техник воситалар ривожланган даврдаги босқич:
 - а) радио, телевидение, товуш ва тасвир ёзиш техникаси босқичи;
 - б) компьютер монитори (юқори технологиялар) босқичи².

Инсон бошқа тирик мавжудотлардан тафаккурга эгалиги, ўзаро фикр алмаша олиши билан фарқ қилади. Ҳамма замонларда оғзаки нутқ коммуникациянинг асосий воситаси бўлиб келган ва жамиятнинг муайян ривожланиш босқичидаги тилга бўлган эҳтиёжни қондирган³. Аммо, шунга қарамай, у ўзига хос камчиликларга эга.

Бу камчиликларнинг биринчиси – оғзаки нутқнинг вақтда чекланганлигидир. Оғзаки нутқда баён этилган фикрни қайтадан тиклаб бўлмайди, орқага қайтариб бўлмайди, чунки у тингловчига етиб боради, унинг онгида маълум бир таассурот ҳосил қилади ва шу орқали ўз мақсадига

¹ Қаранг: Каландия И. Д. Концепция информационного общества и человек: новые перспективы и опасности. [Человек постсоветского пространства](#): Сборник материалов конференции. Выпуск 3 / Под ред. В.В. Парцвания. — СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2005. С. 256– 266

² Қаранг: Маслова В.А. Современные направления в лингвистике. –Москва: “Академия”, 2008. – С. 188–122, 272 с.

³ Қаранг: Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т. 1981.

эришади. Оғзаки нутқнинг иккинчи камчилиги масофада чекланганлигидир¹. Биз ўз фикримизни товуш тўлқинлари орқали фақат маълум бир масофагача йўналтиришимиз мумкин.

Инсоният ривожланиши билан тилнинг бу икки “заиф” томонини бартараф этувчи, инсоният тарихидаги энг катта ва муҳим кашфиёт – ахборотнинг тез ва тўғри тарқалишининг гарови сифатида ёзув кашф этилди.

Ёзувни ўргатиш, меъёрга солиш, маълум бир ижтимоий жамоада тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида тилни жамиятда ишлатиш амалиёти эҳтиёжига кўра грамматика санъати юзага келди. Грамматика санъати ёзма нутқни ташкил қилувчи ёзув белгилари ҳақидаги илмдир. Лекин ёзув ҳақидаги ҳамма илм ҳам, яъни матн ҳақидаги илм, тил ва ёзувнинг пайдо бўлиши, унинг табиати, нутқ психологияси ёки нутқни идрок этиш функцияларига оид мавзулар грамматикага қирмайди. Нутқ ҳақидаги илмлар фалсафа фанини ташкил этиб, риторика, поэтика, мантик, стилистика деб юритилар эди².

Грамматика санъатининг фалсафадан фарқи шундаки, у ёзувдаги белгиларнинг яратилиши ва интерпретацияси билан шуғулланарди. Унинг асосий вазифаси – ёзувдаги ҳар бир белгининг интерпретацияси, яъни талқини билан шуғулланишдир. Интерпретация эса ёзув системасига кўра турли хил бўлиши мумкин³. Агар ёзув иероглифлар кўринишида бўлса, ёзув белгиларининг интерпретацияси семантик кўринишда намоён бўлади, чунки иероглиф аввал мазмунни ифода этади, сўнгра мазмун орқали талаффуз билан боғланади. Агар ёзув фонетик кўринишда бўлса, ёзув белгиларининг интерпретацияси фонетик кўринишда намоён бўлади ва бу ҳолда ёзув ўз мақсадига фонетик интерпретациядан сўнг эришади. Бу эса, ўз навбатида, грамматика санъатининг кўринишига ўз таъсирини кўрсатади. Шунга кўра, қадимда уч йўналишдаги антик грамматика анъаналари юзага келган эди. Улар хитой, ҳинд ва юнон-лотин грамматик анъаналаридир⁴. Уларни яна «билим ўчоқлари» деб ҳам юритишади. Бу билим ўчоқлари ўртасидаги фарқлардан бири – уларнинг турли хил ёзувлардан фойдаланганлигидир.

Грамматика санъатига тегишли бўлган асарларнинг асосий мақсади муайян тилда тўғри ёзишга ўргатиш бўлганлиги сабабли, мазкур даврлаштириш ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар нуктаи назаридан дидактиканинг ривожланиш босқичлари билан тенг.

Шунга кўра, грамматик санъатнинг босқичларини биз қуйидагиларга ажратамиз:

1. Умумий босқич (оғзаки нутқ);

¹ Қаранг: Угольников В. В. Компьютерные технологии как средство обучения иностранным языкам в вузе. Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Москва: 2004. – 17 с.

² Қаранг: Ольховиков Б.А. Общая теория языка. Античность – XX век. Москва: “Академия”, 2007. – С. 15–22.

³ Қаранг: Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. – Москва: “Наука”, 1975. – С. 61–104; Рождественский Ю.В. Введение в общую филологию. – Москва: “Высшая школа”, 1979. – 224 с.;

⁴ Қаранг: Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. – Москва: “Наука”, 1975. – С. 61–104.

2. Қўлёзма босқичи;
3. Босма босқич;
4. Замонавий технологияларга таянувчи босқич:

1.2. Таълим бериш жараёни ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар нигоҳида. Таълим бериш жараёнида тил асосий восита бўлганлиги учун грамматика санъати ёки бошқа таълим бериш воситасига оид матннинг мукамаллиги муайян даражада унинг тилда қай даражада ифода этилганига боғлиқ.

Дидактик матн оғзаки нутқ ва ёзма нутқ шаклида ўз ифодасини топади. Биринчи кўриниш парадигматик табиатга эга бўлса, иккинчиси синтагматик табиатга эгадир. Дидактик матн ифодасининг мукамал бўлишининг асосий шарти – унинг парадигматик, интерактив табиатга эга эканлигидир. Ёзувда ифода этилган дидактик матн ўз эволюцияси жараёнида турли ўзгаришларни бошидан кечирди, аммо табиатан чекланганлиги туфайли, оғзаки нутқ даражасига кўтарила олмади.

Дидактик матннинг кейинги ривожланиши шу камчиликни бартараф этиш йўлида амалга оширилажак тадбирлар билан боғлиқдир.

1.3. Юнон-лотин ёзувига асосланган матнларда ахборотни ифода этиш принциплари. Ахборотни ифода этиш воситаларининг хилма хиллиги уни ифодалаш принципларининг турли-туманлигидан келиб чиқади. Оғзаки нутқ ўзига хос қонуниятларга асосланган ҳолда амалга ошади. Бу қонуниятлар асосини, биринчидан, сўзловчининг индивидуал имкониятлари ташкил этади, яъни нутқ сўзловчининг тажрибаси савияси қўлга киритган нутқий кўникмаларига боғлиқ бўлади. Иккинчи омил сифатида нотиклик маҳоратига бағишланган ва риторикага оид норматив қўлланмаларда ўз ифодасини топган умумий қоидаларни келтириш мумкин. Ёзма нутқ кўпроқ ижтимоий характерга эга эканлиги туфайли (нутқнинг эгаси йўқ бўлган тақдирда ҳам тингловчи томонидан қабул қилиниши), оғзаки нутқдаги қоидаларга нисбатан яна бир қанча қоидаларга бўйсунушга мажбурдир¹. Акс ҳолда, нотик ўз мақсадига эришолмайди, адресат эса ахборотни тушунмайди. Бу қоидаларга, авваламбор, графика ва орфография, грамматик шакллар ва лексик бирликларнинг ишлатилиши билан боғлиқ қоидалар киради. Графика ва орфография қоидалари ёзувга хос бўлган махсус белгиларда ўз ифодасини топади. Булар: тиниш белгилари, махсус амаллар – янги сатрнинг бошланиш қоидаси, абзац, параграф, сарлавҳаларни киритиш усуллари дир. Бу белгилар ахборотни қабул қилувчига қаратилган бўлиб, кўриш сезги органи ёрдамида адресатга етиб боради, ўқилади, демак, эксплицит равишда намоён бўлади. Аммо бу белгилар, ёзувда ифодаланган ахборотга нисбатан, ёрдамчи функцияни, ўзига хос алгоритм вазифасини ўтайди. Бу алгоритмга амал қилиш ёзувда ифодаланган ахборотни тўлиқ, нуқсонсиз қабул қилинишига имконият яратади. Яъни, ёзма нутқни оғзаки нутққа имкон даражасида яқинлаштиради.

¹ Қаранг: Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию: учеб. пособие для филол. спец. ун-тов. — Москва: “Высшая школа”, 1990. — С. 211–229.

II боб “Грамматик нормативнинг таркибий қисмлари ” деб номланиб, у тўрт қисмдан иборатдир.

II.1. Грамматик нормативларнинг тилни жамиятда ишлатиш амалиёти ва вазиятига кўра турлари. Грамматик нормативларни классификация қилишда қуйидаги факторларни ҳисобга олиш лозим деб топилди: (1) нормативнинг предметлилиги; (2) замонавий технологияларнинг грамматик нормативдаги иштироки.

Предметлилик принципи нуктаи назаридан Тиллар йўналишидаги нормативлар уч турга бўлинади:

1. Хорижий тил нормативлари.

2. Она тили нормативлари.

3. Тил билан бевосита боғлиқ, унинг муайян бир жараёнини таҳсилнинг махсус предмети сифатида баҳолайдиган нормативлар.

Замонавий технологиялар иштироки принципи нуктаи назаридан Тиллар йўналишидаги дарсликларни биз тўрт турга бўламиз:

(1) анъанавий, фақат китоб кўринишидаги дарсликлар;

(2) аудио/видео технологиялари иштирокидаги китоб кўринишидаги дарсликлар;

(3) аудио/видео кассета ва компьютер дискетаси бўлган китоб кўринишидаги дарсликлар;

(4) замонавий ахборот технологияларга таянган интерактив дарсликлар¹.

II.2. Грамматик нормативнинг тузилиш принциплари. Юнон-лотин филологияси анъанаси асосидан яратилган грамматик норматив, қадимги қўлланмалардагидек, қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

1) қўлланманинг андазаси;

2) қоидалар;

3) мисоллар².

«Қўлланманинг андазаси» тушунчаси ўз ичига манбанинг мазмун жиҳатдан бўлиниши, бўлинмаларнинг ифодаланиш тартиби, услублари, уларнинг номланиши ва ёритилишини таъминлайдиган истилоҳлар, асос тушунчаларни олади. Мавзунинг ёритилишида дизайн ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Грамматик норматив қисмига икки тоифадаги қоидалар киради:

1) категориал қоидалар;

2) функционал қоидалар.

Категориал қоидалар истилоҳлар ва асос тушунчаларнинг талқини билан шуғулланса, функционал қоидалар тил нормасига асос солишни мақсад деб билади. Модаллик нуктаи назаридан категориал қоидалар дарак гапда ўз ифодасини топса, функционал қоидалар қонун тусида ўз ифодасини топади, яъни категориал қоидаларни биз ўқиймиз, тушунишга ҳаракат қиламиз, ёд

¹ Қаранг: Маслова В.А. Современные направления в лингвистике. –Москва: “Академия”, 2008. – С. 188-202; Соколова Е.И. К вопросу о практическом применении сети Интернет в учебном процессе.//Новые технологии в преподавании иностранных языков. – Санкт-Петербург: РГПУ, 1998. – С. 76;

² Қаранг: Исмаилов А.А. Универсальные грамматики в истории английского языкознания. Автореферат дисс. на соис. учёной степени кандидата фил. наук. – Москва, 1981. – С. 14.

оламиз. Функционал қоидаларга эса, биз итоат қиламиз, акс ҳолда, ахборотимиз адресатга етиб бормаслиги мумкин.

Мисоллар, грамматикаларнинг мақсадларига кўра, икки турга бўлинади: (а) категориал қоидаларнинг тасдиқланиши ва функционал қоидаларнинг тўғри ишлатилишини таъминлайдиган мисоллар; (б) тилни тўғри ишлатиш кўникмасининг ҳосил қилинишига қаратилган машқлар. Мисолларнинг яна бир хусусияти – тилни тўғри қўлланилишини назорат этиб туришни таъминлаш.

II.3. Грамматик норматив системасини ташкил этувчи қисмлардаги ўзгаришлар. Инглиз адабий тили яратилганидан бошлаб, инглиз тилининг тўғри ишлатилиши, грамматик материални ўзлаштириш жараёнини интенсивлаштиришни таъминлаш учун турли ишлар олиб борилди. Шу мақсадда қадимда турли воситалар ихтиро этилган бўлса(бош, кичик ҳарфлар, мундарижа, ...), ҳозирги замон грамматик санъати, қоғознинг имкониятлари чекланганлиги туфайли, бошқа имкониятларни излаш орқали тил қўллаш амалиёти олдида турган вазифаларни бажаришга киришилди. Бу ўзгаришлар дизайн учун ҳам тегишлидир. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда нашр этилаётган қўлланмалардаги матн тушунарли ва қабул қилиш учун қулай бўлиши мақсадида турли воситалардан фойдаланилмоқда. Хусусан, қўлланмаларга турли рангларни киритиш, матндан аввал калит сўзларни келтириш, охирида қисқа аннотация бериш шулар жумласидандир. Компьютер технологияларининг ривожланиши эса, дарслик яратилиши жараёнида муаллифга кенг имкониятлар яратиб берди. Компьютер технологияларидан бохабар муаллиф янги дарсликни нашриётга топширишдан олдин дизайн, ранг, матннинг композицияси бўйича ўзи маъқул кўрган янгиликларни киритиш имкониятига эга бўлади¹.

II.4. Ҳозирги замон инглиз тили грамматик нормативларининг тузилиш принциплари. Қўлланмаларнинг сарлавҳалари (номлари) ва кириш қисмида келтирилган мақолаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги замон инглиз тилини қўллаш амалиётида қуйидаги асосий грамматик норматив турлари яратилди:

1. Грамматикага оид маълумотлар, муайян бир тартибда келтирилган маълумотнома характеридаги қўлланмалар:

- а) системали характерга эга бўлган грамматик нормативлар;
- б) терминологик луғатлар.

2. Назарий қўлланмалар:

- а) анъанавий моделга таянган ҳолда ёзилган назарий грамматикалар;
- б) машҳур лингвистик оқим жараёнида яратилган грамматик модел асосида ёзилган қўлланмалар;

в) анъанавий тартибда ёзилган, аммо замонавий қарашлар таъсирини ўзида ифода этган аралаш грамматик қўлланмалар.

3. Амалий қўлланмалар:

- а) академик характерга эга бўлган инглиз тили грамматикаси;

¹ Қаранг: Пўлатов А.Қ. Компьютер Лингвистикаси. Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 10–20

б) инглиз тили грамматикасига оид маълумотлар тўплами. Системали характерга эга, аммо тўлиқ бўлишга даъват этмайди, замонавий «мода» тусини олган илғор лингвистик оқимлар руҳида ёзилган бўлиши мумкин;

в) таниқли лингвистик оқимлар асосида яратилган моделга таянган инглиз тили грамматикалари(келтирилган назарий билимни мустаҳкамлашга қаратилган машқларни ўз ичига олиши мумкин);

г) грамматик терминларга қаратилган турли кўринишдаги луғатлар;

д) маҳаллий инглиз аҳолиси учун яратилган инглиз тили грамматикалари;

е) инглиз тилини хорижий тил сифатида ўргатувчи грамматикалар;

ж) инглиз тили грамматикасига оид назарий, норматив билимларнинг мустаҳкамланишига қаратилган машқлар тўпламлари.

4. Аудио, видео ва бошқа воситаларни ўз ичига олган грамматик нормативлар.

III боб “Инглиз тили грамматик нормативлари – замонавий ахборот технологиялари яратган имкониятлар нигоҳида” деб номланиб, у тўрт қисмдан иборат. Замонавий технологиялар дейилганда XX асрда фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар тушунилади. Булардан грамматик нормативлар учун аҳамиятли бўлган ютуқларга радио, товуш, тасвир ёзиш ва видеофильм яратиш техникаси, телевизор ва ҳоказолар киради. Кейинги йилларда эса, инглиз тили дарсликларини яратишда компьютердан кенг фойдаланиш одат тусига кирди¹.

III.1. Аудиокассета иштирокидаги грамматик нормативларнинг имкониятлари ва камчиликлари.

Хорижий тил ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири – талаффуз қилиш, эшитиш кўникмаларини ўстиришдир².

Умуман олганда, аудио/видео технологияларнинг грамматик нормативларга татбиқ этилиши грамматик нормативлар таркибида бир қанча ўзгаришларга олиб келди:

1. Китоб кўринишидаги дарслик таркибига аудио/видео тасмага ёзилган материалнинг киритилиши.

2. Аудио/видео тасмага ёзилган матндаги ахборотни киши томонидан қабул қилиниши эшитиш орқали содир бўлиши.

3. Аудио/видео тасмадаги ахборотни ифода этилиш воситаси қоғоз эмас, видео/аудио тасмадир.

4. Аудио/видео технологиялар ёрдамида яратилган грамматик нормативлардаги матн ҳажмининг ошиши.

5. Аудио/видео тасмага ёзилган матннинг ифода этилишида изчиллик принципига бўйсунилади.

¹ Қаранг: Каландия И.Д. Концепция информационного общества и человек: новые перспективы и опасности. [Человек постсоветского пространства](#): Сборник материалов конференции. Выпуск 3 / Под ред. В.В. Парцвания. — СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2005. С. 256–266

² Қаранг: John and Liz Soars. Headway (Pre - Intermediate). Student's book. - Oxford: Oxford University Press, - 143 p.; Norman Susan. We Mean Business. An Elementary Course in Business English. (Teacher's book; Workbook; Student's book). Longman, 1982. –144 p.

6. Аудио/видео тасмага ёзилган матн уч қисмдан иборат бўлади: (а) бевосита таҳсил олувчининг диққатига қаратилган ва ахборотнинг тўғрилигини исботлаб бериш мақсадида илова ёки машқлар “калитлари” қисмида келтириладиган сценарий матни; (б) аудио/видео тасмага ёзиш учун мўлжалланган сценарий матни.

7. Аудио/видео технологиялар грамматик нормативларнинг машқлар системаси учун кенг имкониятлар яратиб берди: (а) ўқитиш ва назорат қилиш жараёнларини таъминлайдиган машқ турлари кўпайди; (б) дарсликнинг интерактивлик имкониятлари сезиларли даражада ошди ва контакт таълим системаси имкониятларига яқинлашди.

III.2. Юқори технологияларнинг имкониятларини инобатга олган ҳолда босма матн билан компьютер мониторида ифода этилган дидактик ахборот(“матн”) кўринишларининг таққосий таҳлили. Босма ҳарфларнинг кашф этилиши билан аҳвол тубдан ўзгарди. Ҳар бир ўқувчини нисбатан қулай бўлган қўлланма билан таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Эндиликда қўлланмалар ўқитувчи учун эмас, ўқувчи учун яратила бошланди. Лингводидактика нуқтаи назаридан, қўлланма таркибида тил системасини талқин қилувчи қоидалардан ташқари, билимни мустаҳкамлаш ва нутқий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган машқлар пайдо бўла бошлади.

Аммо бу янги тил вазиятида ҳам дарслик камчиликлардан холи эмас эди. Қўлланманинг ҳажми маълум бир сабабларга кўра чекланганлиги учун қоидалар машқлардан алоҳида, машққа бўйсунмаган ҳолда, умумлашган, мавҳумлашган ҳолда келтирилади. Бу эса, билимни ўзлаштиришга ўз таъсирини кўрсатади. Машқларга турли изоҳлар бериш, ўқитувчи томонидан назорат қилиб туриш зарурати сақланади.

Компьютер технологияларида дарслик яратишда ёзувдан фойдаланилади, аммо китобга нисбатан анча қулайликларга эга (китоб ҳажмининг аҳамиятсизлиги, ахборот излаш учун янги имкониятларнинг яратилганлиги, “алгоритмлар” жараёни кенгайганлиги, товуш, видеотасвир, дизайн учун кенг имкониятлар яратилганлиги ва ҳ.к.)¹.

III.3. Компьютер технологиялари ёрдамида яратиладиган матннинг ифода этилиш принциплари. Ахборот алмашуви — коммуникациянинг асосий мақсади нуқтаи назаридан алгоритмларни кўриб чиқадиган бўлсак, биринчи турдаги алгоритмнинг мақсади — ахборотни махсус шарт асосида адресатга етказиб бериш ҳисобланади. Ифода этилаётган мазкур алгоритм матнининг ифодаланажак ахборот мавзусига дахли йўқ. Ёзув воситаси ёрдамида ифодаланажак матнда эса (китоб кўринишдаги асарда) мазкур вазифани турли ёзувда таҳсил беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, “кодификацион системани”² ташкил этувчи таркибий қисмлар бажаради (кодификаторлар - алифбо, ўқиш китоби, турли грамматик нормативлар ва ҳ.к.). Кодификаторларнинг ҳам ифодаланажак асосий матнга дахли йўқ, аммо уларсиз бу матн яратилмайди ва ўз мақсадига эриша олмайди. Демак,

¹ Қаранг: Хашимова Д.У. Создание и использование электронного мультимедийного учебного пособия при обучении русскому языку. – Ташкент: Изд-ство ТГЮИ, 2009. – 131 с.

² Қаранг: Фердинанд де Соссюр. Труды по языкознанию. – Москва: “Прогресс”, 1977. – С. 64.

муаллиф интерактив электрон дарсликда матн яратар экан, юқорида қайд этилган барча алгоритмларнинг мақсади, ишлатилиш ўрни, бир-бири билан қандай муносабатларга киришиши мумкин эканлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиши шарт. Интерактив электрон дарсликлардаги бу турдаги алгоритмлар билан кодификаторлардаги алгоритмлар орасидаги ўхшашлик шу билан кифояланади.

Иккинчи турдаги матн (муайян бир буюртмага биноан намоиш этилажак матн) фақат махсус вазиятларда, матн билан ишлаётган талабанинг вазифани бажариш жараёнида пайдо бўлган эҳтиёжга биноан намоиш қилинади. Эҳтиёж бўлмаган ҳолда (масалан, машқ тўғри бажарилган ҳолларда) бу матн намоиш этилмаслиги мумкин. Анъанавий, қоғозда ифода этиладиган асарларда бу вазифани турли ёрдамчи матнлар бажаради (иловалар, индекс, иқтибослар, машқларга калитлар, аудиоматн сценарийлари, аудиториядаги ўқитувчининг шарҳи ва ҳ.к.). Интерактив электрон асардаги матнлар ҳажми, мақсади, ифода воситалари (товуш, видеофилм, расм ва бошқалар) анъанавий асарлардаги бу турдаги матнлардан дидактик мақсадларнинг тўлиқроқ бажарилиши билан кескин фарқ қилади.

Интерактив электрон асардаги учинчи турдаги матн (доим намоиш этиб туриладиган матн) анъанавий асарлардаги бу турдаги матнлардан ифода воситалари (аудио/видеоматн, ранглар, анимация ва бошқалар) билан кескин фарқ қилади. Яна бир муҳим фарқ – интерактив электрон асарда матннинг маъно комплекслари анъанавий асарлардаги маъно комплексларини ўз ичига олади (масалан, боб, параграф, абзац), лекин анча кичикроқ бўлган маъно комплекслари доирасида ўз амалларини дарслик мақсадларига зиён етказмаган ҳолда бажариб боради. Масалан, экранда машқнинг фақат бир вазифаси намоиш этилади. Бу вазифа бажарилгандагина бошқа вазифа намоиш этилиши мумкин (Анъанавий дарсликларга бу амалнинг киритилиши дарслик учун салбий ҳисобланмиш кўрсаткич – дарслик ҳажмининг ошиши, демак қийматини ҳам кўтарилишига олиб келади.)

III.4. Интерактив электрон грамматик нормативнинг ташкил этувчи қисмларидаги ўзгаришлар. Компьютер монитори учун тузилган дидактик матн компьютер дастурининг ишлашини таъминлайдиган махсус алгоритм белгиларисиз намоиш этилмайди. Бу матн таркибини икки турга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи турга, одатда, анъанавий дарсликда мундарижада қайд этиладиган, синтагматик табиатга эга бўлган матнлар киради. Бу матнларга “#Start=...”, “#Title=...”, “#End=...”, “## ...”, “#...” ва ҳ.к. каби алгоритм белгиларидан сўнг келадиган матнлар киради.

Иккинчи турдаги матнга таҳсил олувчининг диққатига машқ бажариш жараёнида пайдо бўлган заруриятга кўра намоиш этиладиган “матн”лар киради, масалан:

“## [SoundBefore=DRe5q2s1 The personal communications network (PCN) services appeared in Great Britain first.]; [SoundGood=DRe5q2s2 Yes, it's true. Britain was the first country to offer personal communications network (PCN) services.]”.

Бу турдаги матнларнинг функцияси контакт таълимда учрайдиган ўқувчининг ўқитувчига мурожаатидан сўнг намоёниш этиладиган матнга (ўқитувчининг жавобига) ўхшашдир. Одатда, ёзма кўринишдаги матнлар имкон қадар бу имкониятни амалга оширишга ҳаракат қилган, аммо ёзув предметининг табиати бунга йўл қўймайди. Компьютер дастурига кўчирилган ахборотни излаш қийин бўлмаганлиги туфайли ва ахборот ҳажми компьютер монитори бўлмиш ёзув предмети учун муаммо эмаслигини инобатга олган ҳолда, электрон асар қоғозда ифода этилган асардан тубдан фарқ қилади.

3. ХУЛОСА

Замонавий технологиялар яратган имкониятларни яққол кўриш учун мазкур мавзунинг биз Анъанавий грамматик нормативдаги матннинг хусусиятлари билан Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тузилган интерактив электрон асардаги матннинг хусусиятларини таққослаган ҳолда ёритишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Анъанавий грамматик нормативдаги матннинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

I. Матн қоғозда ўз ифодасини топади;

II. Ёзув белгилари шартли характерга эга (бунинг исботи – турли алфавитларнинг ишлатилишидир);

III. Ёзувда ифодаланган дидактик матнни қабул қилиш ва ифода этиш жараёнини таъминлаш мақсадида ҳар бир жамият турли ёрдамчи восита вазифасини ўтайдиган дарсликлар яратади. Улар қоидалар мажмуасидан иборат бўлиб, ёзма нутқни оғзаки нутқга кўчириш(графика), оғзаки нутқни ёзма нутққа кўчириш вазифасини бажаради. Бундан ташқари, ёзувда (матнда) ифода этилган сўзларни бир хил тушуниш шартини турли луғатлар орқали амалга ошади;

IV. Қоғозда ифода этилаётган ахборот матн шаклида бўлиб, оғзаки нутқдан фарқли ўлароқ кўз орқали қабул қилинишга мўлжалланган, адресат ахборот юборувчига нисбатан (ҳам макон, ҳам замонда) дистант муносабатида бўлади, демак контакт мулоқотга киришга имконияти йўқ, бир билим даражасидаги адресатларга мўлжалланган бўлади. Табиати жиҳатидан у синтагматик характерга эга. Шунинг учун ахборотни излаш тезлигини ошириш, унинг максимал даражада тушунарли бўлишини таъминлаш учун матннинг ҳажмини (интерактивлик даражасини пасайтириш эвазига бўлса-да) доим чеклаш зарурати сезилиб туради;

V. Қоғозда намоёниш этилаётган матн неча бетга жойлаштирилганлиги матннинг ҳажмини белгилайди;

VI. Ёзув кўринишдаги матн, аудио/видео тасма комбинациясидан ташкил топган асардаги ахборот синтагматик табиатга эга, унда ахборотни излаш имкониятлари чекланган;

VII. Анъанавий тарзда ёзилган чет тили дарслигидаги қоидалар ниҳоятда умумлашган, грамматик нормативда келтирилган бир ҳолат доирасидаги барча вазифалар талабига жавоб бериш даражасида яратилади;

VIII. Оғзаки нутқ (контакт таълим) орқали етказилаётган дидактик матннинг ҳажми маъруза учун кетган вақт билан, ёзма дидактик матннинг ҳажми эса унга сарф қилинган қоғоз (неча бет бўлиши) билан ўлчанади;

IX. Матннинг интерактивлик даражасини ўстиришга ёзув предметининг табиати (қоғоз) тўсқинлик қилади.

Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тузилган интерактив электрон асардаги матннинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

I. Матн компьютер мониторида ўз ифодасини топади;

II. Компьютер мониторида яратилган ахборот ёзувга асосланган бўлса-да, ёзув эмас. Аммо компьютер дастури белгилари ҳам шартли характерга эга – уларнинг ўзгариши компьютер дастурини тузган муаллифга боғлиқ;

III. Компьютер мониторида ифода этилажак ахборот талаба диққати учун намоиш этиладиган матн билан алгоритм белгиларидан иборат матн йиғиндисидан ташкил топади. Компьютер монитори учун тузилган дидактик матнларнинг таркибий қисмлари бир-бирларини тўлдириб боради, доимо бирга ишлатилади;

III.1. Бевосита компьютер мониторида талаба диққати учун намоиш этиладиган матн икки хил бўлади: (а) компьютер мониторида доим намоиш этиб туриладиган матн; (б) алгоритм белгиларининг шартига биноан намоиш этиладиган матн;

III.1.1. Доим намоиш этиб туриладиган матнга, одатда анъанавий дарсликлардаги матннинг асосий қисми киради. Машқ шартларининг бажариш вазифасини ўтайдиган аудио/видео тасмага мўлжалланган сценарий матни унинг товуш ёки тасвирдаги кўринишлари бу турдаги матнга кирмайди;

III.1.2. Алгоритм белгиларининг шартларига биноан намоиш этиладиган дидактик матнга асосий матнда намоиш этилган ва вазифа шартларини тўғри бажарилишини назорат этувчи матнлар киради. Бу матнлар визуал, аудио ёки тасвир кўринишларида бўлиши мумкин;

III.2. Алгоритм белгиларига оид матнга компьютер дастурига асарнинг киритилиши ва матнларнинг барча шартларини бажарилишини таъминлайдиган матн киради. Бу турдаги матн ҳеч қачон талаба учун намоиш этилмайди, асосий матн мавзусига унинг дахли йўқ;

IV. Компьютер мониторида намоиш этилаётган ахборот матн, аудио-ахборот, видеофильм кўринишларида бўлиши мумкин, ахборот кўриш ва эшитиш орқали қабул этилишга мўлжалланган. Адресат ахборот юборувчига нисбатан дистант муносабатида бўлсада, интерактивлик даражаси юқори бўлганлиги эвазига контакт таълим ахборот алмашиш даражасига яқинлашади. Компьютер мониторида намоиш этилаётган ахборот (матн кўринишида бўлган тақдирда ҳам) парадигматик табиатга эга, унинг ҳажми

чекланмаган – бу матнда қанчалик изоҳ кўп бўлса, у шунчалик тушунарли бўлади, шу даражада кўп адресатларни қамраб олади (кенг доирадаги турли билим даражаларга эга адресатларни қамраб олиш имконияти чекланмаган). Интерактивлик даражасини оғзаки нутқ интерактивлик даражасига яқинлаштириш имкониятлари чексиз;

V. Намойиш этиладиган матн бет, босма ҳажми билан эмас, балки бир бутунликни ташкил этган ахборот бирлиги билан ўлчанади (мавзу, машқ, вазифа);

VI. Ёзув кўринишдаги матн, аудиоахборот, видеофильм комбинациясидан ташкил топган компьютер мониторида ифода этилаётган ахборот бирлиги парадигматик табиатга эга. Бу турдаги ахборот етказиш воситасида ахборотни излаш анъанавий матнга нисбатан анча осон кечади (ахборот излаш имкониятлари чекланмаган);

VII. Чет тили дарслигидаги қоидалар матни машқдаги ҳар бир вазифанинг эҳтиёжини қамраш мақсадида ниҳоятда индивидуаллашган ҳолда яратилади ва бу билан турли билим даражасига эга бўлган адресатнинг талабига жавоб бериш имкониятига эга;

VIII. Компьютер мониторида ифодаланган ахборотнинг ҳажми чекланмаган, уни белгилаш ўлчови ҳалигача ҳал қилингани йўқ: бетлар, босма табоклар миқдори билан ўлчаш мумкин; байтлар билан ўлчаш ҳам мумкин; матнни қабул қилиш вақти билан ўлчаш мумкин. Демак, компьютер мониторидаги ахборот универсал, турли билим даражасидаги талабаларга мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин. Чунки унда ахборот ҳажми турли изоҳлар ёрдамида мавзунини тўлиқроқ ифода этиш имкониятига эга. Шу сабабга кўра, грамматик нормативларнинг жанрларга бўлинишга мойиллигини юқори технологиялар ёрдамида яратилаётган грамматик нормативларда бартараф этиш мумкин;

IX. Компьютердаги ахборотнинг (матннинг) интерактивлик жиҳатини оғзаки нутқдаги имкониятларга максимал яқинлаштириш имкониятлари кенг.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда интерактив электрон дарслик яратиш йўналишида изланишлар олиб бориш, юқори технологиялардан максимал даражада фойдаланиш нафақат информатика фанининг, балки филология фанининг ҳам мақсади бўлмоғи даркор. Қадимда (ва шу кунларда ҳам) ёзув яратиб берган имкониятлари юзасидан қандай изланишлар олиб борилган бўлса (назарий ва татбиқий лингвистиканинг, умуман, филологиянинг тарихи бунга яққол мисол бўла олади), юқори технологиялар яратиб бераётган имкониятлар юзасидан ҳам изланишлар олиб бориш шу қадар муҳимдир. Бу соҳанинг тез ривожланиб бориши илмий изланишларнинг муҳимлигидан далолат беради. Энди биз шу соҳанинг нафақат назарий томонига аҳамият беришимиз, балки шу соҳага оид амалий, норматив қўлланмалар устида иш олиб боришимиз даркор. Авваллари ўқув юртларида турли кўринишдаги грамматик нормативларга (алифбо, ўқиш китоби, луғат ва бошқалар.) қай даражада аҳамият берилган бўлса, шу кунларда янги ахборот

технологияларига диққатимизни қаратишимиз долзарб масала бўлиб қолмоқда.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. **Fayzieva N.**, Ismailov A., Tursunova G., Kayumova K., Siyayeva G. Daily routine English, Work book. – Тошкент: ЎзДЖҚА, 2003. – 60 б.
2. **Fayzieva N.**, Ismailov A., Tursunova G., Kayumova K., Siyayeva G. Daily routine English, Resource book. – Тошкент: ЎзДЖҚА, 2003. – 40 б.
3. **Файзиева Н.А.** Инглиз тили дарслигидаги матнларнинг ифода воситаларига замонавий технологиялар яратган имкониятлар // Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш. Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2005. – Б. 236–238.
4. **Файзиева Н.А.** Значение высоких технологий в интенсификации процесса обучения // Янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва бу жараёндаги муаммолар. Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2007. – Б. 48–52.
5. **Файзиева Н.А.** Анъанавий грамматик нормативлар – ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар нигоҳида. // Инновация ўқув жараёнида. Тошкент: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2008. – Б. 193-194.
6. **Файзиева Н.А.** Аудиокассета иштирокидаги грамматик нормативларнинг имкониятлари ва камчиликлари // Ёш олим-2008. Тошкент: ЎзДЖТУ, 2008. – Б. 88–91.
7. **Файзиева Н.А.** Эшанова М., Зиналова С. Вазиятли сўзлашгич Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 302 б.
8. **Файзиева Н.А.** Интерактив электрон грамматик нормативида ўқитиш материалларига оид ахборотни намойиш этиш принциплари // Филология масалалари. Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. 1/21 – Б. 78–81.
9. **Файзиева Н.А.** Интерактив электрон нормативда “мисолларни” ифодалаш тамойиллари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент; 2009. 1-сон. – Б. 8-11.
10. **Файзиева Н.А.** The Significance of High Technologies in Intensification of a Teaching Process // Лингвистика ва ахборот технологиялари вазирлик миқёсида илмий-амалий конференцияси, ЎзДЖТУ. Тошкент: BAYOZ, 2010. – Б. 19–20.
11. **Файзиева Н.А.** Принципы создания дидактических текстов с точки зрения развития информационных технологий. // Вестник МГЛУ. Москва: ИПК МГЛУ «Рема», 2011. 24/630. – С. 160–167.

**Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Файзиева
Нодира Абдуллаевнанинг 10.02.19 – Тил назарияси ихтисослиги буйича
“Ахборот технологиялари тараққиёти жараёнида грамматик
нормативлар” мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: ахборот технологиялари, грамматик нормативлар, интерактив электрон нормативлар, грамматик санъат, лингвистик информатика, татбикий тилшунослик.

Тадқиқот объектлари: ахборот технологиялари ривожланиши жараёнида инглиз тилидаги грамматик нормативларнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш принциплари.

Ишнинг мақсади: ахборот технологиялар ривожланиши жараёнида грамматик нормативлардаги ўзгаришларни таҳлил этиш, юқори технологиялардаги кашфиётларнинг грамматик нормативларга таъсирини аниқлаш, анъанавий нормативларга қиёслаш орқали имкониятларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқот методлари: баён қилиш методи, қиёслаш методи, эксперт-аналитик метод, кузатув методи.

Олинган натижалар ва уларинг янгилиги: грамматик нормативларни ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлар нуқтаи назаридан ўрганиш умумий ва татбикий тилшунослик, тилшунослик тарихи, матн тилшунослиги, тил ўқитиш методикаси соҳаларидаги эришган ютуқларни янгича таҳлил қилишга олиб келди, электрон грамматик норматив табиати очиб берилди, янги турдаги грамматик нормативларни яратишга назарий асос солинди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари интерактив электрон дарсликларни яратишда, татбикий тилшунослик, тилшунослик тарихи, матн тилшунослиги ва умумий тилшунослик фанларидан маъруза ўқишда ишлатилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижалари ва ғоялари диссертант томонидан чоп этилган илмий мақолаларда, илмий анжуманлардаги чиқишларда ўз аксини топган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Олий бизнес мактабида инглиз тили фанини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: янги турдаги грамматик нормативларни яратишда олиб борилаётган изланишлар интерактив электрон дарслик яратишда, тадқиқот натижалари умумий тилшунослик, тилшунослик тарихи, тил назарияси, инглиз тили амалиёти курсларида асосий манбаа сифатида қўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Файзиевой Надиры Абдуллаевны на тему:
“Грамматические нормативы в контексте развития информационных технологий” на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.19 – Теория языка

Ключевые слова: информационные технологии, грамматические нормативы, интерактивные электронные нормативы, грамматическое искусство, прикладная лингвистика, лингвистическая информатика, общественная языковая практика.

Объект исследования: эволюция грамматических нормативов в контексте развития информационных технологий.

Цель работы: анализ изменений в строении грамматических нормативов в контексте развития информационных технологий, определение составляющих компонентов электронных грамматических нормативов в сравнении с традиционными нормативами.

Методы исследования: метод анализа, метод сравнения, экспертно-аналитический метод, метод наблюдения.

Полученные результаты и их новизна: изучение грамматических нормативов в контексте развития информационных технологий позволяет по новому осмыслить достижения в области общего и прикладного языкознания, истории лингвистических учений, лингвистики текста, методики преподавания языков, позволяет сформировать теоретические предпосылки для создания электронных грамматических нормативов и определения природы грамматических нормативов нового типа.

Практическая значимость: Результаты исследования могут быть использованы при создании интерактивных электронных учебников, при чтении курсов лекций по прикладной лингвистике, лингвистики текста, общего языкознания и истории лингвистических учений, теории грамматических описаний.

Степень внедрения и экономическая эффективность. Основные результаты и идеи исследования получили своё отражение в научных статьях, опубликованных диссертантом, а также её выступлениях на научных конференциях, внедрены в учебный процесс при обучении английскому языку в Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан и в Высшей школе бизнеса.

Область применения: для проведения исследований по грамматическим нормативам нового типа, создания интерактивных электронных учебников, при чтении курсов лекций по общему языкознанию, истории лингвистических учений, теории языка и курсы по обучению английскому языку.

RESUME

Thesis of Fayzieva Nodira Abdullaevna on the scientific degree competition of the candidate of philological science on specialty 10.02.19 – the Theory of Language, subject: “The Evolution of the Art of Grammar in the Framework of Information Technologies Development”

Key words: information technologies, English grammars, interactive electronic textbooks, the art of grammar, applied linguistics, linguistic informatics.

Subject of research: the evolution of English Grammars in the framework of information technologies development.

Purpose of work: the influence of information technologies to the constituents characteristics of English grammars in the process of evolution, the analyses of constituents of electronic English Grammars in comparison to traditional ones.

Methods of research: descriptive method, comparative method, expert-analytic method, observation method.

The results obtained and their novelty: the study of English Grammars in the framework of Information Technologies Development allows to clarify the achievements in the sphere of General and Applied Linguistics, the History of Linguistics, Text Linguistics, the Methods of Teaching Languages, allows to form the theoretical prerequisites in creation of electronic English Grammars, and defining the nature of new types of English Grammars.

Practical value: results of the dissertation can be used in creation of interactive electronic resources, in giving courses on Applied Linguistics, Text Linguistics, General Linguistics, the History of Linguistics and the Theory of Grammatical Description.

Degree of embed and economic effectivity. The main results of research and ideas are reflected in scientific articles published by the candidate as well as her speeches at scientific conferences and are implemented into teaching process of English language at the Academy of State and Social Construction under the President of the Republic of Uzbekistan and the Higher School of Business.

Field of application: creation of the new types of English Grammars, creation of interactive electronic resources, delivering courses of lectures on General Linguistics, the History of Linguistics, the Theory of Language and the courses on the methods of teaching.